

ТАҚЛИД СЎЗЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС СИНТАКТИК ВАЗИФА ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Турғунпўлатов Диёрбек Рўзмамат ўғли

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

E-mail: turgunpolatovdiyorbek2002@gmail.com

Tel: +998.99.768.43.55 +998.93.884.43.55

Аннотация: Мақолада тақлид сўзларнинг қандай синтактик вазифалар бажариши хусусида фикр юритилади. Синтактик хусусиятлари мисоллар орқали ёритиб берилган.

Калит сўзлар: синтактик вазифа, алоҳида олинган сўзлар, тақлид сўзларнинг отлашуви, услубият, грамматик маъно, синтактик таҳлил.

КИРИШ

Тақлид сўзлар мустақил сўз туркумларига ҳам, ёрдамчи сўз туркумларига ҳам кирмаганлиги (лекин ҳар иккисига хос белгини ўзида маълум даражада ака эттиради) учун алоҳида олинган сўзлар туркумига киритилган. Алоҳида олинган сўзлар туркумига киритилган ундов сўзлар: ҳис-ҳаяжон, буйруқ-хитобни; модал сўзлар: фикрга сўзловчининг муносабати (ишонч, гумон, қувонч, афсусланиш)ни; тақлид сўзлар ўз-ўзидан товуш ёки ҳолатга тақлидни билдиради. Ҳар бир алоҳида олинган сўзларнинг ўзига хос услубияти, грамматикаси, синтактик хусусиятлари мавжуд.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тақлид сўзларнинг синтактик вазифа хусусиятлари ҳақида сўз кетганда, аввало, уларнинг эга (отлашганда), кесим, аниқловчи (сифатловчи аниқловчи), ҳол (равиш ҳоли) вазифаларда келиши назарда тутилади.

I. Тақлид сўзлар ҳам отлашиши мумкин (бунда тақлид сўз боғланган от тушиб қолади ва синтактик вазифасини ўзига олади).

Ускуналарнинг тарақ-туруқи Азимжонга сира ёқмасди (*Ускуналарнинг тарақ-туруқ овози Азимжонга сира ёқмасди шаклида бўлиши керак эди*).

Мен-ку ишонаман, саҳролар гуллаб,

Сизнинг қий-чув билан тўлғай далалар. (А.Орипов)

(*Сизнинг қий-чув овозингиз билан тўлғай далалар шаклида бўлиши керак эди*).

Тақлид сўзлар отлашганда:

- Эгалик, келишиқ қўшимчаларини олади;
- Турланади (*шов-шуви, шипир-шипиринг, гурс-гурсим*);
- Гапда от бажарган вазифаларда келади (*Тун сукутини от туёқларининг дупури бузди*). (О.Ёқубов).

II. Отга боғланса, сифатловчи аниқловчи [тақлид сўз + от]:

Чарс-чурс овозларни эшитса ҳам қулоқларини беркитмади, кўзларига алланечук ёш келди.

Вужудини қуршаган қалт-қалт титроқни енголмай ётарди.

III. Феълга боғланиб келса, равиш ҳоли вазифасини бажаради (вазифа шакллари ҳам бўлиши мумкин). [тақлид сўз + феъл]

Бобомнинг айтиши бўйича ўша пайтдаги юлдузлар ялт-ялт ёнармиш.

Жамшиднинг ҳолини тушунмай гўнгир-гўнгир гаплашишди.

Диёрбек акасининг елкасига бошини қўйиб пиқ-пиқ йиглабди.

Хурсандчилигидан кўзлари пир-пир учди.

IV. Гапнинг охирида келса, кесим (от кесим) вазифасини бажаради.

Осмонда юлдузлар тўп-тўп.

Богда гуллар ғуж-ғуж.

МУҲОКАМА

Баъзи бир ҳолларда сўз таркиби ўзгарган бўлиши ҳам мумкин. Тақлид сўзларни синтактик таҳлил қилаётганимизда уларнинг жойлашган ўрнига қараб эмас, лексик ва грамматик маъноларига, қайси сўзга боғланиб (ҳоким ва тобе муносабати) келишига эътибор бериш лозим:

Тонгда ари гулга сўзлар ғув-ғув,

Гулжоним, асалинг бер, соғиндим-ку. (*Қ.Муҳаммадий*)

(*Тонгда ари гулга ғув-ғув сўзлар*)

Тақлид сўзларнинг инверсия ҳодисасига учраши ҳам маълум маъноларни келтириб чиқариши билан бирга, асосан, жозибадорлик, бадий таъсирчанлик, ифодавийлик хусусиятларини намоён бўлиши учун қўлланади.

ХУЛОСА

Тақлид сўзларнинг микдори, ясалиши (морфемикаси), лексик ва грамматик маъноларини тушунмай туриб, унинг синтактик хусусиятларини англаш мумкин эмас. Тилшунослик йўналишлари бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Бирини иккинчисидан, иккинчисини учинчисидан айро тасаввур қилиб бўлмайди.

Худди шундай тақлид сўзлар ҳам тилшунослик фанида каттагина гуруҳни ташкил этади, каттагина вазифани бажаради. Синтактик хусусият - кенг қамровли тушунча. Таҳлилида ҳар бир аффиксга, гапнинг мазмунига, уларнинг тузилиши ва бошқа бир нечта хусусиятларга эътибор бериш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Erkaboyeva, N. O'zbek tilidan ma'ruzalar to'plami. "Yosh kuch"- Toshkent, 2021.
2. Ona tili. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. "Ma'naviyat", 2017.
3. Turg'unpo'latov, D. R. (2021) Tasviriy ifoda va uning lingvistik tahlili. "Til ta'limining uzviyligini ta'minlashda innovatsion texnologiyalar: muammo va yechimlar" respublika konferensiyasi, 161-164-b.
4. Turg'unpo'latov D.R. (2022). Uslubshunoslik: oddiy so'zlashuv uslubiga xos o'ziga xosliklar. *Scientific progress*. 2 (1; maxsus son), (pp. 235-238)
5. Турғунпўлатов Д.Р. Неологизмлар (Янги пайдо бўлган сўзлар) мавзусини илғор педагогик технологиялар асосида ўргатиш. *Academic Research in Educational Sciences*. 2022, №3 (5), 495-499-б.